ДАВЛАТИМИЗ МАДҲИЯСИ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ *2-бет*

ВАКИЛЛАР ФАОЛЛИГИДА ВА ОШКОРА РУҲДА ЎТДИ *3-бет*

ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ *4-5-бетлар*

АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ БОЙ МЕРОСИ КЕНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛМОҚДА *6-бет*

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 237 (10.040) / 2003 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси эртага, 11 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

*Қисқа сатрларда*

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида зилзила ва унинг оқибатлари, сабаблари муҳокамасига бағишлаб ташкил этилган тадбирда сейсмология фани мутахассислари иштирок этишди.

● **ЎРТА** махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари иштирокида шаҳримизда «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг педагогик, технологик асослари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

● **ЗАМОНАВИЙ** Санъат марказида иқтидорли рассом Анатолий Бобров асарлари намойиш этилди.

● **ЎЗБЕК** Давлат миллий академик драма театрида театр ихлосмандларига Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Қирмизи олма» янги спектаклининг премьераси намойиш этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАРГА ҲАМОҲАНГ

**Обод маҳалла йилини ўзига хос эзгу юмушлар, катта ютуқлар билан якунлаётган халқимиз 2004 йилнинг меҳр-оқибатлилик, йиқилганни суяш, кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш каби энг эзгу фазилатларга ҳамоҳанг қилиб белгиланишини зўр қувончу шодлик билан кутиб олди. Биз бир гуруҳ ҳамшаҳарларимизнинг бу борадаги дил сўзларига қулоқ тутдик.**

**Раъно АБДУСАЛОМОВА,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 105-ёрдамчи мактаб интернатнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари:**

— Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб республикамизда инсон ва унинг қадр-қиммати, манфаатлари энг юксак ўринга қўйилиб келинмоқда. Яхшиликларга йўғрилган йиллар бири-бирини тўлдирмоқда. Инсонпарварлик давлатимиз сиёсатининг бош мақсадига айланган. Бу сафар ҳам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан эзгу ва савобли юмушларимизнинг давомчиси сифатида келаётган йилимизнинг — «Меҳр ва мурувват йили» деб номланганлиги барча кўнгилларни қувончга тўлдиргани шубҳасиз.

**Мунира ВАЛИЕВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси:**

— Юртбошимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган катта эътибори ва ғамхўрлиги яхши ўқиб, илмли, зиёли, маънавияти пок инсонлар қаторидан ўрин олишимизга кенг имкониятлар яратмоқда. Ишонаманки Меҳр ва мурувват йилида ёшларимизнинг ҳам қўшадиган ҳиссалари катта бўлади.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА ёзиб олди.**

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.**

5 декабрь — Конституция байрами арафасида Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов улардан бир гуруҳига ана шундай мукофотларни тантанали топширди.

Шундан сўнг тақдирлаш маросимлари бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этди.

Бу йил қишлоқ хўжалигида соҳа меҳнаткашлари улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, деҳқонларимиз юртимиз ғаллачилиги тарихида илк бор 5 миллион 100 минг тоннадан кўпроқ дон етиштирди.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ аграр соҳада меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятини янада юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков уларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

* * *

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар онгига юртга садоқат, фидоийлик ғояларини сингдиришда санъатнинг ўрни беқиёс. Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган тантанада ана шулар ҳақида сўз борди. Шу боис ҳам истиқлолимизнинг ўн икки йиллиги арафасида бошқа соҳалар қатори адабиёт, маданият ва санъатимизнинг бир неча етук намояндаларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари берилган эди. Шунингдек, Президент Ислом Каримов Фармони билан миллий маданиятимиз, санъатимиз равнақига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. Мукофот уларнинг яқинлари ва қариндошларига топширилди.

— Кўпгина марҳум санъаткорлар қаторида отамнинг меҳнати ҳам қадр топганидан бошимиз кўкка етди, — деди машҳур актёр Раҳим Пирмуҳамедовнинг қизи Башорат опа. — Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Миллий матбуот марказида ўтган тадбирда эса бугун Ватанимиз эришган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган бетакрор ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланди. Жамиятимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни халққа тезкор ва холис етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу куни матбуотимизнинг бир гуруҳ фидоийларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган тантанага Ватанимизнинг орден ва медалларига, фахрий унвонларига сазовор бўлган фан, таълим ва тиббиёт ходимлари йиғилди.

Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Тарих институти директори Д.Алимова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзларининг камтарона меҳнатига берилган юксак баҳо учун мамлакатимиз раҳбарига барча мукофотланган ҳамкасблари номидан миннатдорлик изҳор этди. Пойтахтимиздаги Олимпия шоншуҳрати музейида ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган спортчи ва мураббийларга фахрий унвон, орден ва медаллар топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов топширди.

* * *

**ЎзА**



Давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлган юртдошларимизни тантанали қутлаш тадбири Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов топширди.

Республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнати учун «Тоштўқимачимаш» заводининг катта устаси Маҳмуджон Боқижонов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими», Тошкент давлат муҳандислик-техник тадқиқотлар институти директори Юлдош Магрупов — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» унвонларига сазовор бўлдилар.

Давоми 3-бетда.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Польша Республикаси Президентининг Халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковскини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

● **Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши кеча бўлиб ўтди. Унда парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишларнинг якунлари сарҳисоб қилинди.**

● **Кеча шунингдек Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари; Ёшлар ишлари; Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари; Ижтимоий масалалар ва бандлик; Матбуот ва ахборот қўмиталарининг ҳам сессия олди йиғилишлари бўлиб ўтди.**

● **Тошкентдаги вагонларни таъмирлаш заводида россиялик шериклар билан ҳамкорликда Тошкент—Самарқанд тезюрар йўналишида қатнайдиган дастлабки 6 та вагонни йиғиш жараёни охирига етмоқда.**

● **Қоракўл туманидаги Миришкор қишлоғида 50 ўринли замонавий қишлоқ врачлик пункти очилди. Унда 10 нафар малакали тиббий ходим беморларга хизмат кўрсатмоқда.**

### Жаҳонда

● **Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга ишонч ёрлиқлари топширди.**

● **Россияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда давлат думасининг янги таркиби сайланди. Сайловларнинг дастлабки натижаларига кўра, «Единная Россия» партияси 37,09 фоиз овоз олиб ғалаба қозонди.**

● **Келаси йилнинг 5 январидан бошлаб АҚШга самолёт ёки денгиз орқали келувчи барча хорижлик фуқаролар бармоқ изларини топширишлари лозим бўлади. Бундай чоралар терроризмга қарши кураш доирасида татбиқ этилмоқда.**

● **Москва шаҳри марказида жойлашган «Национал» меҳмонхонаси ёнида кеча кучли портлаш рўй берди. Ушбу террорчилик ҳаракати натижасида 6 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар ярадор бўлди.**

*Иқтисодиёт*

## ЭКСПОРТГА — ЎЗБЕК ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ

**Пойтахтимиздаги кўпгина корхоналар маҳсулотлари билан нафақат ички бозорни тўлдириш, балки хорижга ҳам экспорт қилишни режалаган ҳолда иш юритмоқдалар. «Ўзбекқоғози» очиқ акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари тайёрлаётган маҳсулотлар ҳам Марказий Осиё давлатларида ўз харидорларига эга. Ҳозирда корхонадан Россия давлатига целлюлоза экспорт қилиш режаланмоқда.**

Жорий йилнинг тўққиз ойида корхонада 2 миллиард 543 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, корхонанинг ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчилари шу давргача 4107 тонна қоғоз, 1359 тонна картон, 26 миллион 501 минг дона 12 варақли дафтарлар ҳамда 1 миллион 649 минг дона 48 варақли умумий дафтарлар ишлаб чиқаришди. Целлюлозадан эса 1 минг 102 тонна тайёрланди.

Эътиборли томони, корхонада маҳсулотлар асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Яъни, Янгийўлдаги целлюлоза-қоғоз фабрикасидан целлюлоза бош корхонага келтириб, 30 дан 50 фоизгача макулатура қўшилиб қоғоз тайёрланади.

Акционерлик жамиятининг тадбиркорлари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона ишининг бир маромда боришига эришиш, шу билан бирга жамоанинг ривожланиши йўлида тинмай изланмоқдалар.

## ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР

**Бугунги нозиктаъб харидор бозордаги мавжуд маҳсулотнинг нафақат сифати, кўркамлиги, рақобатбардошлиги, нархи, балки экологик хавфсиз бўлишига ҳам эътибор қаратади. Айнан шундай маҳсулотлар пойтахтимиздаги «ИНСОФ-РИ» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасида ишлаб чиқарилади.**

Мазкур корхонада ностандарт маҳсулотлар тайёрланади, яъни пластика-ламинатдан буюртмачи талабига биноан ҳамда дизайнчиларнинг ишланмалари асосида ошхона ва офислар учун мебеллар, ўқувчилар парталари, эшик, барлар ва банкларга мўлжалланган қўплаб жиҳозлар шулар жумласидан.

Шу билан бирга, қўшма корхона тадбиркорлари аҳолига қўплаб турдаги сервис хизматлари кўрсатиб келмоқдалар. Масалан, эски мебель жиҳозларининг маълум бир қисмини, антресол ёки тортмаларини бошқа қўшимча билан тўлдириш ёки янгилаш билан хоналар умуман янгича кўриниш касб қилишига эришиш мумкин бўлади. Бунда хом ашё, яъни пластик-ламинатнинг 50 дан кўпроқ турлари, айниқса, уларнинг қўплаб хилдаги ёрқин ранглардагилари ёғоч, тош ва мармарлар билан уйғунлашиб, турар жой ва офисларга кўркамлик бағишлайди.

Эътиборли томони, пластик маҳсулотлар жуда чидамли бўлиб, айнан бизнинг иқлимимизга мослаштирилган. Офтобда куймайди, иссиқ-совуққа, ҳаво ўзгаришларига ҳам чидамли ҳамда эластиклик хусусиятига эга.

Бу ютуқларга осонликча эришиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Шундай экан, демак қўшма корхона ўзининг тўғри йўлига эга дейиш мумкин. Бу йўлда изланишлар унумли, саъй-ҳаракатлар эса самарали бўлишига умид билдириш мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

# БАРЧА УЧУН МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

**Мадҳия сўзининг луғавий маъноси — таснифлаш, таърифлаш, мақташдир. Гимн — давлатнинг бирлиги рамзи сифатидаги тантанавор қўшиқ (изоҳли луғатда) деб таърифланган. Давлат мадҳияси давлатнинг мустақиллиги таърифи, таснифини улуғловчи даъваткор мусиқа ва қўшиқ ҳамоҳанглигини англатади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга» - деб кўрсатиб ўтилганлиги алоҳида маъно касб этади.

Мадҳиямизнинг мазкур қабул қилинган вариантининг дунёга келиши бир неча босқичдан иборат ўзига хос тадрижий жараённи бошидан кечирди.

1990 йили Олий Кенгашнинг биринчи сессиясидан 1992 йил декабри бошларига қадар ўтган даврда мадҳия матни ва мусиқасини танлаш босқичлари давом этди. Ўтган давр мобайнида олтмишдан ортиқ шеър матни ва ўттизга яқин мадҳия мусиқаси танловга тавсия қилинган.

Танловга тақдим этилган шеърий ва мусиқий асарларни холисона баҳолаш ва Давлат мадҳияси танловини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошида махсус ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ таркибига ўз соҳасининг таниқли мутахассислари таклиф қилинди.

Ишчи гуруҳ муқобиллик асосида уч асарни Олий Кенгаш муҳокамасига тавсия этди.

1. Абдулла Орипов сўзи, Бахтиёр Алиев мусиқаси.

2. Мирпўлат Мирзо сўзи, Рустам Абдуллаев мусиқаси.

3. Абдулла Орипов сўзи, Мутал Бурхонов мусиқаси.

Бу уч асарнинг матни ва мусиқаси «Халқ сўзи» газетасининг 1992 йил 28 ноябрь сонида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил декабрида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида уччала асар муқобил вариантлар сифатида кўриб чиқилди.

Учинчи муқобил вариантдаги Абдулла Орипов ва Мутал Бурхонов ҳамкорлигида яратилган асарнинг ярми ижро этилганида залдаги депутатлар қарсаклар чалишиб ўринларидан туриб қабул қилдилар.

Давлат мадҳияси сифатида қабул қилинган матн ҳар жиҳатдан -куй - оҳанги, жарангли садоси, мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий залворлилиги тарафидан ҳам мукаммал.

Мадҳиямиздаги сўзларнинг мазмун-моҳиятини тилшунос олим Султонмурод Олимнинг «Олтмиш сўзнинг соҳир қудрати» мақоласини ўқиган одам тезда тушуниб етади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунда Давлат суверенитетининг рамзидир — деб эътироф этилган. Мазкур қонунда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир» - деб таъкидланиши бежиз эмас.

Давлатимиз мадҳияси Республикамизда нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ва ёпилиши вақтида, республикамиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатиладиган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилишида, Давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимларда ташкилот раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

Шунингдек Ўзбекистон мадҳияси мудофаа ва ички ишлар вазирликларининг қисмлари ҳамда идораларида, таълим муассасаларида ижро этишда ҳарбий низомлар, вазирликлар белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

Мадҳиямизда ўзига хослик, яъни халқнинг хусусиятлари билан Ватан фазилатларининг уйғунлашиб кетгани Ўзбекистондан узоқда халқаро спорт мусобақаларда қатнашиб ғолиб бўлганларнинг суҳбатларида яққол сезилади. Улар ғолиблар шоҳсупасига кўтарилаётганларида, ринглар, стадионларда Ўзбекистон мадҳияси янграганда ўзларида муқаддас қадрият, ишонч, далда, ғурур сезишларини беихтиёр кўзларига ёш келиши билан ифода этишади.

Бунга асосий сабаблардан бири Ўзбекистон давлатининг таърифланиши «серқуёш, хур ўлкам», «олтин бу водийлар», «жон Ўзбекистон», «она юрт», «оламни маҳлиё айлаган диёр» тарзида турли-турли ифодалар билан мадҳ этилишидир.

Яна бир сабаб - халқнинг таърифи «эл», «халқ», « ўзбек» деган сўзлар билан тилга олиниши бўлса, қўшимча равишда яна «аждодлар» ва «авлодлар»нинг ҳам эслаб ўтилишидир.

Учинчиси — Истиқлолга берилган таъриф «Истиқлол машъали, тинчлик посбони» бўлса, тўртинчиси - мадҳияга абадийлик руҳини «Яшнагай то абад илму фан ижод», «Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод» мисраларига сингдирилгандир. Давлатнинг Конституцияси, қонунлар билан тасдиқланган мустақиллигини ифода этувчи: номи, чегараси, тили, байроғи, герби, пойтахти ва бошқа рамзлари билан бир қаторда мадҳияси ҳам Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас қадриятдир.

**Акрам АКМАЛОВ, Тамара МИРУСМОНОВА.**

**Яқинда Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, шунингдек, ҳудудий комиссия раислари ва Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят прокурорлари иштирок этдилар.**

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Мажлисда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши, таълим муассасаларининг қишки мавсумга тайёрланиши, Самарқанд, Сирдарё, Навоий вилоятларида болалар ва оналарга кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда вояга етмаганларни ҳарбий хизматга тайёрлаш аҳволи муҳокама қилинди.

Шуни айтиш керакки, комиссиялар кўмагида вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш ва соғлиғини мустаҳкамлаш борасида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Меҳрибонлик уйларида қонунларнинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар бу соҳада идоравий назорат аҳволининг бирмунча яхшиланишига олиб келган. Мамлакат бўйича меҳрибонлик уйларини озиқ-овқат, кийимкечаклар билан таъминлашни яхшилаш, муассасаларни таъмирлаш ишларини жадаллаштириш чоралари кўрилди. Ҳар бир меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларнинг соғлиғи доимий равишда текшириб турилмоқда, зарур ҳолларда уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги идоралари томонидан мазкур муассасаларда санитария ва гигиена қоидаларига риоя этилиши устидан тегишли назорат ўрнатилган.

Мактабгача таълим ва тарбия муассасаларини, меҳрибонлик уйларини қишки мавсумда узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлашга оид ҳукумат қарорларини тўлиқ бажариш учун зарур чоралар кўрилди.

Ўсмирларнинг тиббий кўриги ва уларга ташхис қўйиш ҳамда соғломлаштириш тадбирлари жонлантирилди. Натижада республика бўйича болалар ва оналар ўлими ҳолатлари камайиб бормоқда, ўсмирлар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш бирмунча яхшиланади. Вояга етмаганларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш масалалари ҳам комиссиялар томонидан мунтазам равишда ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли идораларга таклифлар киритилмоқда.

Ҳарбий олий ўқув юртларига кирувчиларни танлаш ишлари яхши ташкил қилиниб, 2000 нафардан зиёд ўқувчи ҳарбий билим юртларига киришган. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейлари ташкил қилинганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўтишда қулайлик яратиш мақсадида мактабларга ҳарбий қисм ва бўлинмалар оталиғи белгиланиб, таълим масалалари бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Йиғилишда жойларда мазкур соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар жиддий танқид қилиниб, уларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш ва комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатъий талаблар қўйилди ҳамда зарур чоралар белгилаб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази**

*Анжуманлар*

## ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Низомига мувофиқ ҳар йили Республикамиздаги барча вилоят, шаҳар, туман «Ватанпарвар» Кенгашларида пленумлар ўтказилади. Пленумда Низом вазифаларидан келиб чиққан ҳолда йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади. Камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади.**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасдиқланган режа асосида куни кеча ўзининг навбатдаги III пленумини ўтказди. Пленумда асосий масала — «Амалдаги қонунлар ва ташкилот низоми талаблари асосида Кенгаш фаолиятини такомиллаштириш» мавзуси кўриб чиқилди. Шунингдек, пленум кун тартибидан «Пленумлар оралиғида кенгаш раёсати ва раёсат ҳайъатининг» фаолияти ва ташкилий масалалар ҳам ўрин олди. Пленум ишида Кенгаш аъзолари билан бир қаторда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, яъни «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ, туман, шаҳар Мудофаа бўлимлари, халқ таълими, касб-ҳунар бошқармаси ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Шу кунгача пойтахтдаги барча туман «Ватанпарвар» ташкилотларида бўлиб ўтган пленумларда ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ишлар савиясини юксалтириш, давлат дастурларининг бажарилишида кўмак бериш, оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, Қуролли Кучлар учун ҳарбий мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича тегишли таклиф ва қатор қарорлар қабул қилинган эди.

Ушбу ўтказилган пленумларнинг якуний таҳлили асосида шаҳар кенгаши Пленуми ўтказилди ва унда 51 нафар Кенгаш аъзолари ва меҳмонлар иштирок этдилар.

Пленумда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, иш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашилди. Кун тартибидаги ҳар бир масала атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек ташкилотнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришига алоҳида эътибор қаратилди.

**Мақсуд КАРИМОВ, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари.**

*Фан*

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДА ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

**Мамлакатимизда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш дастурини амалга ошириш йўлида кўрилаётган илмий тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг сув муаммолари институти олимларининг изланишлари йирик гидро-геологик харита тузиш имкониятини берди. Ушбу харита халқаро доирада эътироф қилинди. Италиянинг Катания шаҳрида ўтказилган «Атроф-муҳит ва саломатлик» мавзусига бағишланган халқаро анжуманда илмий муассаса олимларининг гидроэкологик тадқиқотлари кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Айни вақтда бу йўналишда эришилган ютуқлар Европа Иттифоқи рейтингида олий квалификация даражасида баҳоланди.

## ЭНЕРГЕТИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Замин, пойдеворлар ва ерости иншоотлари илмий-тадқиқот лойиҳа-технология институти олимлари «2010 йилгача бўлган даврда энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш республика миллий дастури»ни амалга оширишга катта ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Ушбу йўналишда кейинги йилларда эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди.**

«Қурилиш комплексида энергияни тежаш технологияларини жорий этиш масалалари» мавзуидаги илмий-амалий анжуманда қилинган умумий маърузаларда шу соҳа истиқболлари билан боғлиқ муаммолар ўртага ташланди.

Ушбу анжуман олдидан институт олимлари янги қўлланмани чоп эттирдилар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг қатор институтлари билан биргаликда меъёрий ҳужжатлар тайёрланди.

## ИСТИҚБОЛЛИ ПАХТА НАВЛАРИ

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораторияси ва тажриба майдонларида пахтанинг қатор янги навларини яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Ғўзанинг «Юлдуз» навининг яратилганлиги ҳам селекционер олимларининг жиддий ютуғи бўлди.**

Кейинги йилларда «Армуғон», «Ўзбекистон-4», «Андижон-402», «Гулбаҳор», «Меҳнат» каби истиқболли пахта навлари ҳам яратилди. Бундай сара чигитлар республикамиздаги катта майдонларга экилиб, юқори ҳосил етиштирилди.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 40 гектарлик тажриба хўжалигида ҳам ғўза селекцияси бўйича қатор ютуқлар қўлга киритилди.

**Акбар АЛИЕВ**

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Қурилиш ва алоқа соҳаларида эришган катта ютуқлари, юқори технологияларни жорий этишдаги фаол иштироки, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида қўшган салмоқли ҳиссаси учун «Тошметрокурилиш» трестининг «Метромахсусқурилиш» бошқармаси бошлиғи Роман Ан, 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармаси монтажчи-пайвандчилар сардори Тоир Дадахонов, Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси Саиджон Ибрагимов, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» тресги бошқарувчиси Георг Исаев, 159-қурилиш тресги бригада сардори Охтам Тургумбоев, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландилар.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун бир қатор ишлаб чиқариш, илм, фан, техника соҳалари мутахассисларига «Дўстлик» ордени топширилди. Улар орасида пойтахтимиздаги туризм коллежи ўқитувчиси Евгения Аковбянц ҳам бор.

— Ҳар бир инсон учун бундай ҳаяжонли ва қувончли дамлар бир умр унутилмас бўлиб қолиши шубҳасиздир. Мендек бир оддий ўқитувчини давлатимизнинг шундай юксак орденига муносиб деб топишган экан, мен учун бу ҳам шараф, ҳам масъулиятдир, — дейди Евгения Рубеновна. — Бизнинг коллеж 2000 йилдан буён фаолият юритмоқда. Биринчи қалдирғочларни учирма қилишга улгурдик. Уларнинг ҳар бири мутахассислиги бўйича ишга жойлашди, 10 нафари иқтисодиёт университетида таҳсил олаётгани бизни албатта қувонтиради. Ҳозирда коллежда 1,5 минг ўқувчи уч йўналишда — меҳмонхона хўжалиги, ресторан иши ва туризм ихтисосликлари бўйича таълим олмоқда. Асосий фанлардан ташқари, талабалар инглиз тилини мукаммал ўзлаштирадилар. Жорий ўқув йилидан бошлаб иккинчи хорижий тил киритилди — ўқувчилар хоҳишига кўра француз, итальян ёки немис тили ўргатилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқув юртимиз айрим хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, айни пайтда Германиянинг таълим соҳасини техник қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳа татбиқ этилмоқда. Ушбу жараёнда талабалар бажонидил иштирок этибгина қолмай, балки лойиҳадан амалда самарали фойдаланиш бўйича ўз таклифларини ҳам киритмоқдалар. Шуниси ҳам эътиборлики, ўқувчиларимиз бошланғич курсларданоқ халқаро даражадаги турли тадбирларда фаол қатнашиб келмоқдалар, хусусан, 200 дан зиёд талабаларимиз Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Тошкентда бўлиб ўтган йиллик форумида муваффақиятли иштирок этишди... Туризм мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли йўналиши ҳисобланади ва бу борада биз етиштираётган кадрлар етакчи бўлиб қолишларига шубҳа йўқ. Коллежда ёшларимиз халқаро андозаларга мувофиқ илм, тарбия олиши учун барча қулай шароитлар яратилган. Ўз навбатида, биз, ўқитувчилар ҳам ҳукуматимиз, Президентимизнинг ёш авлодни ўз Ватанига муносиб, садоқатли инсон қилиб тарбиялаш борасида билдирган ишончларини оқлаш учун бор куч ва имкониятларимизни аямасдан ҳаракат қиламиз. Шу жумладан мен ҳам жамоамиз олдида ўз масъулиятимни янада кучайтиришим лозим, нега деганда айнан касбдошларим, ўқувчиларим туфайли шундай мукофотга эришдим. Уларнинг ишончи менга куч бағишлайди.

— Ўз халқи, Ватанининг ҳурматини қозонган деган маънони англатувчи бундай олий мукофотни ола туриб, унга лойиқмиканман деган савол хаёлимдан ўтди, — деди ҳаяжон билан ўз ҳис-туйғуларини очиқ ошкор қиларкан Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собир Комилов. — Биламанки, маҳалладошларим ишончини оқлаш учун ҳали кўп ишлар қилишим керак. Юртбошимизнинг бугунги кунда маҳаллага катта умид боғлаётганлари бежиз эмас, зеро айнан ўзини ўзи бошқариш мақомига эга бўлган маҳаллаларимиз демократик фуқаролик жамиятига ўтиш даврида ягона етакчи куч бўлиб қолиши мумкин.

Ушбу жараёнда асосий масъулият биринчи навбатда биз, оқсоқолларга, маҳалла фаолларига юклатилаётгани сир эмас. Бугунги оқсоқол маҳалладошлари орасида эришган обрў-эътибори билан, шахсий ўрнак кўрсатиб одамларни ижтимоий ёки иқтисодий — кундалик масалаларни жойида, биргаликда ўз кучлари билан ҳал этишга фаоллаштириши ва шундай ҳаракат давлатнинг таянчи ва суянчи бўлиб бориши лозим. Бу масъулиятни бўйнимга олар эканман, ўзгалар манфаати билан яшаш, уларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришдек мақсаднинг ҳаётим мазмуни бўлиб қолишига интиламан.

Давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар номидан шунингдек «Файз» холдинг компанияси муҳандиси Луиза Ким, «Технолог» ҳиссадорлик жамияти иқтисодчиси Татьяна Лисенко, Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси Саиджон Ибрагимов, «Осиё фуд» ХЖ устаси Маҳбуба Салимова, «Элеком» МСЖ директори Владимир Гальперин ва бошқалар сўзга чиқиб, катта ишонч ва эътибор учун Юртбошимизга, ўз жамоаларига миннатдорчилик билдиришди ва бундан кейин ҳам бор куч-ғайратлари, тажриба ва билимларини Ватан равнақи йўлида бахшида этишларини таъкидлашди.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА**

**СУРАТДА: Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳ ҳамшаҳарларимиз.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

*ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ*

## ОШКОРА ВА ОЧИҚ РУҲДА ЎТДИ

**Шу кунларда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловлар қадриятимизга айланган маҳалланинг жамиятимиз, давлатимиз ривожи ва равнақида аҳамияти ва моҳияти ортиб бораётгани, маҳалла — катта куч ва қудратга эга эканлигини яна бир бор намоён этмоқда.**

Юнусобод туманида жойлашган Ғиёс Умаров номидаги маҳаллада ўтган икки ярим йил ичида жуда салмоқли бўлмаса ҳам, анча-мунча арзигулик ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўчалар таъмирланди, битта спорт майдончаси қурилиб, иккинчисининг пойдеворига асос солинмоқда. Маҳалла ниҳоят ўзининг гузарига ҳам эга бўлди. Турли маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, миллий таомлар тайёрлашга йўналтирилган умумий овқатланиш нуқталари ва алоҳида маҳалла идорасидан иборат шинамгина гузар биноси ҳомийлар ва маҳалла кучи билан қисқа вақт ичида қуриб битказилди. Бу борада маҳалла ҳудудида жойлашган Тошкент давлат ахборот технологиялари университети, «Нефтгазтранс», «Алоқа—инвест», «Миссисипи» корхоналарининг қурилиш, ободонлаштириш ҳамда жиҳозлаш ишларида хизмати каттадир. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган давр ичида ҳомийлар томонидан бир миллион сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса, унинг асосий қисми 23 та кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, уларнинг коммунал хизматлари учун тўловларини қоплашга сарфланди.

Маҳаллада фуқароларнинг саломатлигини тиклаш, уларнинг самарали дам олишларини таъминлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Масалан, шу йилнинг ўзида 16 киши «Чимён» соғломлаштириш мажмуасида дам олишга муваффақ бўлди.

Маҳалла аҳолисининг ўттиз фоизини вояга етмаганлар ташкил қилади. Улар учун янги гузарда шахмат-шашка тўгараклари очилган. Бундан ташқари, маҳалланинг футбол жамоаси ҳам бор. Машғулотлар ўтказишга эса янги спорт майдончасининг шароитлари асқотмоқда. Шу билан бирга маҳалла ўсмирларининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, айни пайтда қўшимча равишда яна битта спорт майдончасини қуриш ишлари бошланди.

Бир қараганда юқоридаги каби ишлар аксарият маҳаллаларда амалга ошириляпти, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, шундай ва сайловлар жараёнида бу яққол кўзга ташланмоқда. Аммо Ғиёс Умаров номидаги маҳалла оқсоқоли Атҳам Умарҳўжаевнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида икки ярим йил ичида олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботида келтирилган айрим рақамлар, очиғини айтиш керак, кишини ҳайратга солди. Бошқа маҳаллалардан фарқли ўлароқ бу ерда ўтган вақт мобайнида бирон-бир жиноят содир этилмаган. Билиб-билмас турли оқимларга кириб қолганлар ҳам йўқ. 12 та ёш оила муросага келтирилган. Бундай кўрсаткичларга эришиш осон эмаслигини ҳамма яхши тушунади, албатта. Бу дегани маҳаллада барча ишлар, ҳар бир саъй-ҳаракат келишилган ҳолда, катта-кичикнинг фикрига қулоқ тутиб олиб борилаётганидан эмасмикан!

— Маҳалламиз аҳолиси хусусий ҳовлилар ва 12 та кўп қаватли уйлар, шунингдек учта талабалар ётоқхонасида истиқомат қилувчи 2960 кишидан иборат, — деди ҳисобот юзасидан муҳокамада сўзга чиққан Акбар Зуфаров. — Кўриб турганингиздек, маҳалладаги бошқарув тизимини шакллантириш ва барқарор ишлашини таъминлаб туришга осонликча эришилаётгани йўқ. Кўп қаватли уйларда ўзига яраша муаммолари бор, ётоқхоналарники эса ўзгача, хусусий хонадонларда ҳам ечимини топиш лозим бўлган икир-чикир масалалар етарли. . . Маҳалламизда амалга оширилаётган ишлардан ҳар доим кўпчилик хабардор қилинади. Чунки ҳар бир янги ташаббус аҳоли ўртасига ташланади ва биргаликда ўз ечимини топади. Ҳашар ҳаракати яхши йўлга қўйилган, яъни ўзаро тез-тез учрашиб, мулоқотда бўлиб турилишимиз ҳам маҳалламиз аҳиллиги, осойишталигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, маҳалламизнинг «Қатағон қурбонлари» мажмуаси яқинида жойлашгани ҳам оилаларимизнинг тинч-тотув яшаши, фуқароларимизнинг сабр-тоқатли бўлиши, бир-бирини эъзозлашга ундайди деб ўйлайман. Демак, маҳалламиз оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари фаолиятига фақат ижобий баҳо бериш мумкин.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида маҳалла ҳақида, унинг фаоллари, оқсоқоли фаолияти тўғрисида шунга ўхшаш илиқ фикрлар кўп билдирилди. Ўз-ўзидан бунинг хотимаси маълум бўлди. Амалдаги оқсоқолни кейинги муддатга сайлаш таклифи юз фоиз овоз билан маъқулланди.

Оқсоқолликка тавсия этилган муқобил номзодга келсак, Маҳамаджон Зоҳидов маҳалланинг оғир-енгилини кўтаришдек масъулиятни ўз бўйнига олишга ҳали тайёр эмаслигини йиғилиш давомида тушуниб етганини билдирди ва сайловчилардан Атҳам Умарҳўжаев фойдасига овоз беришларини сўради.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида иштирок этган Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Акромов ошкора ва очиқ руҳда бўлиб ўтган сайловга ўз фикрини билдирар экан, маҳалланинг кучи ва қудрати фуқароларнинг ўзаро илиқ муносабатлари, маҳаллада меҳр-мурувват, ҳурмат ва оқибат устунлиги билан ўлчанади, зеро Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фуқаролар ҳамжиҳатлик билан, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ўзини ўзи бошқаришга қодир экан, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўз кучи билан ҳал қилишни мустақил уддалай олар экан, маҳалланинг ноёблиги ҳам шундадир ва бундай улуғ даргоҳни асраб-авайлаш барчанинг фаоллигига боғлиқ, дея таъкидлади.

Юнусобод туманида 50 та маҳалла бор. Бугунги кунга қадар 44 та маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида аҳоли номидан иштирок этган уч мингга яқин сайловчи вакиллар томонидан оқсоқолликка тавсия этилган 116 нафар номзод орасидан энг муносиблари саралаб олинди. Ният қиламизки, янги ёки қайта сайланган ҳар бир оқсоқол кўпчилик билдирган ишончни оқлашга, маҳаллаларимиз мавқеини янада юксалтиришга астойдил ҳаракат қилади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Обод маҳалла йилида шаҳримизда жойлашган маҳаллалар кўчалари обод қилинмоқда. Хонадонлар, майдонлар қайта таъмирланмоқда. Хуллас, қилинаётган хайрли ишларнинг чеки йўқ.**

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Халқимизда «Маҳалла — тарбия ўчоғи» деган нақл борки, биз шарқона урф-одатларимиз, анъаналаримизга таянган ҳолда ушбу тарбия ўчоғида таълим оламиз, улғаямиз. Маҳалладошларимиз билан аччиқ-ширин дамларимизни бирга ўтказамиз. Ҳар хонадондаги тўю маъракаларда бир-биримизга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Файзли маҳаллалар қаторидан ўрин олган Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласи ҳақида ҳам ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди.

— Маҳалламизда 11000 дан ортиқ кўп миллатли аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Ватан» маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев. — Жумладан, ўзбек, рус, корейс, грузин, немис, грек ва бир қанча бошқа миллат вакиллари иноқ ва дўст яшаб келмоқдалар. Мустақиллик шарофати билан маҳаллаларнинг ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш, барқарорлигини мустаҳкамлаш ва унинг мақомини кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи ёшларни спортга жалб этиш мақсадида маҳалламизда 6 та спорт иншоотлари қурилди. Шунингдек, 199-, 78-мактабларда ҳамда 4 та мактабгача тарбия масканларида спорт майдончалари таъмирланди.

Дарҳақиқат, ёшларнинг тарбиясига, билим савияси ва маънавиятини оширишга алоқадор мавзуларда маҳаллада тез-тез тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Қария, якка-ёлғиз, кўп болали ҳамда ногирон, уруш қатнашчиларига вақтида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Турли миллат вакилларини бир ёқадан бош чиқариб, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари инобатга олингани ҳолда Грузия мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан ушбу маҳалла фуқаролари ҳамкорлигида ҳужжатли фильм суратга олинди.

— Ёшларни соғлом, бақувват қилиб тарбиялаш бизнинг зиммамизда, — деб таъкидлайди Озод Ризаев. — Зеро, келажак ёш авлодникидир. Эртага улар бизнинг ўрнимизда ота-она, раҳбар, оқсоқол бўладилар. Ёшларнинг соғлиғи йўлида маҳалламиздаги 78-мактабда спорт турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Ушбу мактаб қошидаги «Спартанец» клубида ёшларга бокс, кик-боксинг, каратэ ва енгил атлетика, кураш, волейбол ва шу каби кўплаб спорт турлари ўргатилади. Маҳалламиз ифтихори бўлмиш Олмос Юсупов спортнинг кикбоксинг тури бўйича 4 маротаба жаҳон чемпионидир. У каби иқтидорли ёшлар етиштириб, таълим-тарбия бериб, соғлом ва бақувват бўлишларида ёрдамимизни аямай меҳнат қилсак, келажакда ёшларимиз юксак чўққиларни забт этишлари табиий.

Меҳр-оқибатли, одамлари меҳнатсевар, саховатли ушбу файзли маҳаллага бир келиб кетсангиз қандай самарали ишлар амалга оширилаётганининг ўзингиз гувоҳи бўласиз, албатта.

**Юлдуз УСМОН**

*Маҳалланг — ота-онанг*

## «КАТТА ҚАЪНИ» — ЗИЁЛИЛАР МАСКАНИ

**Ҳар бир жойнинг номи ўзининг каттами-кичикми, узоқми-яқинми тарихига эга. Бугун Тошкентнинг кунботар томонига жойлашган, узоқ тарихга эга бўлган «Катта Қаъни» маҳалласи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Тошкент Давлат юридик институтининг кафедра мудири, профессор Карим Назаров билан қилган суҳбатимиздан маълум бўлишича, бу маҳалланинг номи Катта Қангли сўзидан келиб чиққан. Бу сўз эса ўзбек уруғларидан бирининг номи бўлган. Эрамизнинг V асрида ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Бўка, Боёвут туманлари жойлашган ерларда Қангли давлати бўлган. Кейин улар Катта Қангли, Кичик Қанглига бўлиниб кетган. Бу уруғ-элат кўчманчи бўлган. Кўчаётганда тўда-тўда бўлиб, олдинги ва охирги уловларига катта қўнғироқ боғлаб қўйган. Юраётганда улардан «қанг», «қанг» деган овоз эшитилган. Бу орқада қолиб кетмаслик учун шундай қилинган, уларни ўша пайтда «қанг»ли, яъни қўнғироқли уруғ-элат дейишган. Бу уруғ республиканинг кўп жойларига тарқалган ва улар бориб, ўтроқ бўлиб турган ҳамда бу уруғдан қолиб яшаб кетган жойлар шу ном билан аталган. Бу ном, яъни қангли деган жойлар номи Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ҳам учрайди. Биз ҳикоя қилаётган маҳалла жойлашган ҳудудда ҳам катта қангли уруғи келиб яшаган ва бу ерда бу уруғнинг номи — жой номи бўлиб қолган. Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» ва Абулғозийнинг «Шажараи турк» асарида ҳамда ҳозирги замон бадиий асарларида «Катта Қангли» ибораси тилган олинган. Кейин у ҳозирги ўзбек тилининг талаффузи нормасига кўра «Катта Қаъни» бўлиб кетган. Бу ердаги ҳозирги аҳолининг ўтмишдошлари XIX аср охирларида Тошкентнинг Миллар, Чақар, Сузук ота маҳаллалари ва Кўкалдош мадрасаси атрофидан шу ерга келиб, дала ҳовли барпо этиб, яшаб кетган. Улар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. XX асрнинг 30-йилларига келиб, бу ерда 250 га яқин хонадондан ташкил топган Қизил Шарқ жамоа хўжалиги тузилган, кейин бу хўжалик Катортол, Наврўз номлари билан аталган Бу жойлар Тошкент қишлоқ тумани, кейинроқ Калинин тумани (ҳозирги Зангиота тумани) ҳудудида бўлган. Бу ерлар қишлоқ пайтида «Катта Қаъни» маҳалласи пайдо бўлиб, Ҳамид ота Ҳакимов маҳаллага бош-қош бўлган. Кейин Обиджон ака Зоидов, Жалил ота Халиловлар қишлоқдаги маҳаллани бошқаришган. 1993 йилдан бу ерда Акмал Икромов туманига қарашли «Катта Қаъни» маҳалласи ташкил этилади. Маҳалланинг ер майдони 180 гектар бўлиб, шимолдан Ҳамроқул Турсунқулов кўчаси, жанубдан Қозигузар маҳалласи, шарқдан Чилонзорнинг 25 ва 26-мавзелари, ғарбдан Тошкент Ҳалқа йўли билан чегараланади. Маҳаллада 24 та кўча (тор кўча ва берк кўчалари билан), 560 та хонадон бор. Уларда 960 та оила истиқомат қилади. Маҳалла аҳолисининг сони 7200 киши. Уларнинг 90 фоизи шу ерлик авлодлар, қолгани кейинги пайтда ҳовли олиб кўчиб келганлар.

Маҳаллада Аҳмад Яссавий номли ўрта мактаб, 5 та озиқ-овқат дўкони, 2 та ошхона, 3 та сартарошхона бор. Шунингдек, учта кичик корхона бўлиб, улар ёғочни қайта ишлаш, полиэтилен плёнкадан ясаладиган буюмлар, тикувчилик цехлари бўлиб, ҳаммасида шу маҳалланинг фуқаролари ишлайди. 20 дан ортиқ новвойхона мавжуд.

— «Обод маҳалла йили» дастури асосида,—дейди маҳалла котиби Ўткир Муталов, — маҳаллада самарали ишлар қилинди. Каттагина замонавий оталар чойхонасини қуриб битказдик. Маҳалла марказининг қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бунда маҳалла идораси, фуқаролар йиғини раиси, котиби, хотин-қизлар комиссияси, турли комиссиялар, педагог-тарбиячи учун алоҳида хоналар, йиғилишлар, турли тадбирлар ўтказиш учун каттагина клуб-зал, маърифат ва маданият хонаси, кутубхона бўлади. Бу ишларда — маҳалламиз оқсоқоли Обиджон Ҳамидовнинг ҳиссаси катта. Бу киши ҳашар уюштиришда шахсий намуна кўрсатаяптилар. Обод маҳалла дегани фақат қурилиш билан белгиланмайди. Унда маҳалладаги аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш маъноси бор. Маҳалла аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил этади. Бизда ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга, спортга жалб этиш яхши йўлга қўйилган. Бу ишларда педагог-тарбиячимиз Қодир ака Эгамбердиев фидойилик кўрсатмоқда. Ҳозир ёшлар ўртасида тартиббузарлар йўқ. Ҳаммаси ўқиш, иш билан банд.

Кейинги вақтда бу маҳалладан педагоглар, санъаткорлар, муҳандислар, фан арбоблари, журналистлар етишиб чиққан. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатишмоқда.

**Йўлдош МАНСУРОВ**

*Назм*

## ТОШКЕНТ ҚАСИДАСИ

Нур жаҳоним, жон шаҳрим,
Мурувватга кон шаҳрим.
Азим шаҳрим, нон шаҳрим.
Қўшиғимсан Тошкентим.

Кўчалар кенг, чароғон,
Ҳаёт қайнар, фаровон.
Меҳри жоним армуғон.
Қўшиғимсан Тошкентим.

Сокин оқар анҳоринг,
Ошга чорлар наҳоринг,
Наврўздир ҳар баҳоринг,
Қўшиғимсан Тошкентим.

Қалбим чертган торимсан,
Ғуруримсан, оримсан.
Онамдирсан, ёримсан.
Қўшиғимсан Тошкентим.

Кўзни олар саройинг,
Очилмоқда чиройинг.
Истиқболинг кўрайин
Қўшиғимсан Тошкентим.

Сочилган ризқ, насибам.
Бебаҳо, чин ақидам.
Сенга ушбу қасидам.
Қўшиғимсан, Тошкентим.

**Равшан ИСОҚОВ**




*Хайрли ташаббус*

**Обод маҳалла йили муносабати билан шаҳримизнинг турли масканларида кўрган кўзларни қувнатадиган, замон талабига жавоб берадиган, халқимизнинг тўю маросимларида, хизмат қиладиган кўркам ва муҳташам бинолар кун сайин кўпайиб қад ростламоқда.**

## КЎРКАМ БИНОЛАР КЎПАЙСИН

Ана шундай бинолардан бири Акмал Икромов туманидаги Раҳимбобоев кўчасида бунёд этилди.

— Аслида ушбу иншоотнинг бунёд этилишига раҳматли отамиз Исроил ҳожининг ҳиссалари каттадир. Уларнинг ниятлари халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган хусусий иншоот барпо этиш эди. Биз уч ака-ука бир тану бир жон бўлиб шу ният йўлида хизмат қиляпмиз, — дейди «Исроил ҳожи ота» хусусий маросимлар уйи раҳбари Иброҳим Акбаров.

Дарҳақиқат, истараси иссиқ тиниб-тинчимайдиган Иброҳим отасининг ниятини амалга ошириб, 500 ўринли маросимлар залидан ташқари, маҳалла аҳли учун савдо шохобчаси, қариялар учун чойхона, ҳовлида эса фавворалар бунёд этилаётганини фахр билан сўзлаб берди.

Бундан ташқари ака-укалар келгусида сартарошхона, дорихона, хонадонлар ва кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун бозорча, гўшт дўкони қуришни режалаштиришган.

Туман ҳокимлиги ҳам ёш, серғайрат, ишбилармон ака-укаларни қўллаб, керакли ёрдам ва маслаҳатларини аяшмаяпти. Натижада эса қаровсиз ҳолда ётган кўримсиз ташландиқ жой обод ва ораста гўшага айланмоқда.

— Ниятимиз халқимизнинг тантанали кечаларини шу бинода қулай шароитлар яратилган ҳолда ўтказиб бериб, уларнинг кўнглини ҳушнуд этишдир, — дейди иш юритувчи Тоҳир Акбаров.

Кенжатой Илҳомжон ҳам ўртоқларини ҳашарга чақириб акаларига анча ёрдам бермоқда.

Ҳа, маҳалла катта даргоҳ, қутлуғ гўша ҳисобланади. Ундаги тўй-ҳашамлар, турли йиғинларнинг мана шундай кўркам ва нурафшон биноларда ўтиши аҳоли учун қувончли ҳолдир. 2001 йилда яхши ният билан бошланган бу бино ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда қад ростлаб ўз фаолиятини бошлаш арафасида.



**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: маҳалла ҳудудида қад ростлаган аҳолига хизмат кўрсатувчи маросимлар уйининг кўриниши.**

*Транспорт*

## АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ВА СОЗ

**Шаҳримиз жуда фусункор ва кўркам. Осмонўпар маҳобатли бинолар, кўркам боғлар, обод ва ораста гўшалар, иморатлар, тунлари ёғдулар таратиб порлаб, жилваланиб турувчи чироқлар кишилар қалбида ажиб тароват, яхши кайфият уйғотади.**

Бугунги кунда инсонларнинг узоғини яқин қиладиган, истаган манзилига ҳеч уринтирмай, асабийлаштирмай вақтида олиб бориб қўядиган шундай транспорт воситаси борки, унинг беминнат хизмати туфайли минглаб кўнгиллар шод ва хуррамдир. Англагандирсиз, гап албатта қулай ва тезкор транспорт воситаси—метро ҳақида кетмоқда.

Метро бугунги кунда инсонларнинг энг керакли, қулай ва соз транспорт воситасидир. Фактларга мурожаат этадиган бўлсак жаҳон метросозлиги 139 йиллик тажрибага эга. Биринчи метро 1863 йили Лондонда қуриб битказилган. Ўшандан буён дунё бўйича саноати юксак тараққий этган, нуфузли шаҳарларнинг 35 тасида ер ости темир йўли бунёд этилди. Жаҳонда ўттиз олтинчи, Ўрта Осиёда тўнғич саналган метро Тошкент шаҳрида ишга тушгани мақтаса арзигулик воқеа бўлди. Айни дамда ҳамшаҳарларимизнинг шу тезкор транспорт воситаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.

**Суннатилло ИБРАГИМОВ, Тошкент молия институти талабаси:**

— Тўғрисини айтсам, менга метронинг ўзидан кўра унинг бекатларидаги безатилиши ва миллийлик ифодаларининг акс эттирилиши ёқади. Айниқса «Алишер Навоий», «Мустақиллик» бекатлари кўркам ва дилтортар. Аммо баъзан кўнгилни хира қилувчи воқеалар ҳам айнан шу метрода юз беради. Оддийгина мисол, ёш болалар, аёллар бўйинларида ёки қўлларида ҳар хил ёрдам сўраб ёзилган қоғозлар билан садақа сўраб юришади.

«Буюк Ипак Йўли», «Амир Темур», «Тошкент» бекатларининг ўтиш жойларида кечга яқин ҳар хил мева қолдиқлари, қоғоз парчаларининг ётиши одамнинг асабини бузади. Аммо нима бўлганда ҳам шаҳримизда метронинг борлигидан мен жуда ҳам хурсандман.

— **Мақсуда ЖОНИМБОЕВА, ишчи:**

— Метро мен учун жуда қулай транспорт воситаси. Мен «Алишер Навоий» йўналиши бўйича «Беруний» бекатигача ҳар куни ишга бориб келаман. Соатлаб автобус кутиб овора бўлмайман. Метрони атиги 5 дақиқа кутиб қолишимиз мумкин ва у дарров қаршингизда пайдо бўлади.

— **Жамшид ҚОДИРОВ, банк ходими:**

— Метро истаган манзилингизга тез ва хотиржам элтувчи транспорт воситаси. Шаҳримиз аҳолисининг кўпчилиги ушбу мўъжизакор транспортдан фойдаланади.

Дарҳақиқат, кунига юз минглаб одамлар метро хизматидан фойдаланишади. Унинг одамлар эҳтиёжи учун афзалликлари жудаям кўп. Айниқса, Мустақиллик шарофати билан ишга тушган янги Юнусобод йўналишидаги қатновлар юртимиз аҳлини жуда қувонтирди. Юртимиз тинч, дориломон замонда, транспорт воситаларимиз эзгулик йўлида хизмат қилиб инсонлар қалбини шод, кўнглини чароғон этаверсин.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: шаҳримиз метро станцияларида.**









**Қадимдан шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўз ҳудудий, иқтисодий, сиёсий мавқеларини ҳимоя қилишида турли кўринишдаги мудофаа иншоотлари асосий ўрин тутган. Бу ҳолатдан Тошкент шаҳри ҳам истисно эмас. Унинг кўп асрлик меъморий-тарихий ва шаҳарсозлик йўлида бундай иншоотлар жуда кўплаб қурилиб, уларнинг турли-туман кўринишлари археологик қазилмалар асосидаги хулосаларда акс этди.**

*Шаҳримиз тарихини ўрганамиз*

## ПОЙТАХТНИНГ ҲИМОЯ ДЕВОРЛАРИ

Ҳатто, бутун бир воҳани ҳам ҳимоя чизиғи сифатида тўсиб туришга мўлжалланган узундан-узоқ «Кампир деворлар», шаҳарларни ўраб турган мудофаа деворлари қурилиб, қайта-қайта тикланган ва таъмирланган. Булардан ташқари, ҳар бир қўрғон, қалъа, музофат ва кентлар ҳам мустаҳкам истеҳком сифатида барпо қилинган.

Чирчиқ воҳасида жойлашган Тошкент шаҳри илк ўрта асрларда фақат қалъа ва истеҳкомлар билан ҳимояланиб қолмай, балки ташқи душманлар ҳужумидан ҳимояланиб сақланиш учун бутун бир воҳа чегаралари бўйлаб барпо қилинган мудофаа деворларидан ҳам фойдаланган. Бу ҳол илк феодализм даврида Марв, Бухоро, Сўғд, Уструшона, ғарбий Фарғона сингари қадимий деҳқончилик воҳаларига ҳам хос бўлган. Мазкур деворлар воҳалардаги катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар, умуман суғориб обод қилинган экин майдонлари ва боғ-роғларни ўз ичига олган. Чўллар ва суғорилмайдиган ерлар эса девор ташқарисида қолган. Кўплаб чақиримларга чўзилган бу деворлар бўйлаб ва улар ёнида мустаҳкам буржлар, қалъа, работ-истеҳком бино қилинган. Душманни воҳаларнинг ичкарисига киритмаслик учун деворларнинг ташқи томони бўйлаб ўр-ҳандақлар қазилган ва уларни сув билан тўлдириб, ботқоқлик ҳосил қилинган. Катта йўллар ёқасида деворлар бўйлаб қурилган дарбозалар олдида ўр-ҳандақлар устига кўтарилиб-тушириладиган кўприклар қурилган. Воҳаларнинг ичкарисига кирадиган ва ташқарисига чўлга чиқиб, бошқа юртларга борадиган савдо карвонлари, қўшинлар ва тинч аҳолини ўтказиш учун маълум вақтларда кўприклар туширилган.

Деворлар бўйлаб воҳалар ва мамлакат ичкарисига томон ҳар бири 10-15 километр масофада биридан иккинчисига жуда яхши кўринадиган кузатув ва ишора миноралари қурилиб, уларда соқчи ва кузатувчилар турганлар. Мутахассислар бу деворлар VI-асрдан бошлаб феодал муносабатларнинг ривожланиши натижасида воҳаларда, шу жумладан Тошкент вилояти ҳудудида, хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаёт янгидан ривожлана бошлаган даврда барпо этилган деб ҳисоблайдилар. VIII-IX асрларда эса бу кўҳна деворлар айрим жойларда қайта тикланган.

Тошкент воҳаси учун Сирдарё табиий тўсиқ бўлса-да, шимол ва ғарбдан келадиган хавфнинг олдини олиш учун узун деворлар қурилган. Ибн Ҳавкал «Китоб ул-масолик ва мамолик» — «Йўллар ва мамлакатлар» номли асарида Шош воҳаси, яъни Чирчиқ дарёси водийсининг шимоли-ғарбидаги девор ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Девор Собалиғ (Сойлиқ) деган жойдан тоғ ён бағридан бошланиб (Чотқол), Қалос (Келес) атрофига ва катта Шош водийсига қадар (Сирдарё қирғоғига) чўзилиб боради. У, туркларни водийга киритмаслик учун бино қилинган. Уни Абдуллоҳ бинни Ҳумайд бинни Савр бино қилган. Шу девордан бир фарсақ миқдорида ташқарига чиққанингда у ерда тоғдан то водийга қадар давом этадиган ўр (ҳандақ) бор».

1934 йили Қовунчи билан эски Тошкент оралиғидаги 37 километр масофада бир-биридан тамоман мустақил иккита девор ҳосил қилинган. Улардан бири эски Тошкентдан, иккинчиси эса, Кулкулда ариғидан бошланган. Ҳар иккала девор бир-бирига параллел ҳолда шимолга юз тутиб, сўнгра тамоман қарама-қарши томонларга қараб кетади. Ҳ.Муҳамедовнинг фикрича, деворлар воҳанинг ичкарисидан эмас, балки суғориб обод қилинган деҳқончилик ерлари билан нообод чўл ҳудуди чегаралари орқали ўтган, яъни чўлда яшаган кўчманчилардан сақланиш учун қилинган. Ҳ. Муҳамедов олиб борган археологик тадқиқотлар Ибн Ҳавкалнинг маълумотлари тўғри эканини тасдиқлади.

Шу билан бирга Чирчиқ воҳасида бир-биридан тамоман мустақил иккита девор борлиги, Чирчиқ дарёсининг ҳар икки қирғоғи томонидаги суғориб деҳқончилик қилинган қадимги обод ерлар Чотқол тоғларидан бошлаб Сирдарё бўйига қадар мустаҳкам девор билан ўраб олинганини аниқланди. Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоқ томонида Кампир девор Сойлиқ яқинида Чотқол тоғларидан бошланади ва асосан шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон йўналишда Искандар, Паргоз ва Аранча қишлоқларини ўз ичига олган ҳолда ҳозирги Чирчиқ шаҳрининг темир йўл бекатигача келган. Сўнгра Чирчиқдан ҳозирги Троицкка келаётган йўлнинг ўнг (шимол) томонида баландлик устидан ўтади. Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ жамоасига қарашли Қипчоқ қишлоғи ҳудудида девор харобаси нисбатан яхши сақланган. Бу ерда у шимол, шимоли-шарқдан жануб, жануби-ғарбга томон йўналди. Дарё яқин бўлгани учун унинг тошларидан девор қурилишида анча фойдаланилган кўринади. Девор Қодирия станцияси ўрнидан, Чинобод қишлоқ жамоасига қарашли Бўриота ва Дархон қишлоқлари чеккасидан, баланд қир устидан ўтади. Сўнгра Ўнгқўрғон қишлоғи орқали оқиб ўтадиган Кичик Ивиш ариғи бўйлаб ҳозирги Тошкент тумани ҳудудига киради. Бу ариқнинг ёқаси «Кампир девор» деб аталади.

Кейин бу девор Юнусобод қишлоғини тўрт километр ташқарисидан ўраб, Чуқурсой ва темир йўлнинг 53-разъездини ўз ичига олган ҳолда Ҳасанбой ариғининг ўнг қирғоғи орқали ўтиши кузатилган. Бу ерда девор Тошкентдан Кўктеракка борадиган йўлни (Чиғатойдан 65 километр шимолда, Кўктеракнинг жанубида) шарқдан ғарбга кесиб ўтади. Кўктерак ва Келес девордан ташқарида қолган. Бу ерни ҳам «Кампир девор» деб атаганлар. Бундан нарида девор харобаси Лола қизғалдоқ, Қулоқли тепа, Рамадон, Кўксарой қишлоқларидан ўтиб, Ўнгқўрғон қишлоғига (Назарбек яқинида) яқин ерда, яна «Кампир девор» деб аталган жойга, сўнгра давом этиб, Янгийўл тумани ҳудуди орқали Туябўғиз сиртидан Пахталашга тепа ва Мозор тепа номли қадимги истеҳкомларга, ундан Қора тепа қишлоғигача борган.

Шундай қилиб Тошкент меъморчилиги меросидаги дастлабки йирик мудофаа иншоотларидан воҳа девори бўлган «Кампир девор» Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги қадимий суғориладиган обод ерларни шимоли-ғарбидан ўраган. Сўнгги ўрта асрлар даврида бу воҳада содир бўлган Бухоро билан тўхтовсиз урушлар даврида, Кампир девор Қўқон қўшинлари учун жанговар чизиқ бўйлаб хизмат қилган ва девор бўйлаб жуда кўп истеҳкомлар барпо этилган.

Кенг ҳудудни ҳимояга олган бу деворлар Тошкент шаҳрининг шаклланишида бевосита роль ўйнамаса-да, шаҳарнинг асосини ташкил этган иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-маиший йўналишларни яратишга имкон берган. Яъни бу воҳадаги ўзлаштиришга туртки бўлган. Узун деворларнинг маълум иншоотлари эса ўз навбатида шаҳар деворининг шаҳарсозлик ва меъморий жиҳатларига таъсир кўрсатган.

**Абдужаббор ЯҲЪЁЕВ, «Таъмиршунослик» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти бўлим бошлиғи, таъмиркор-меъмор.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Инсоннинг дўсти ва раҳбари — унинг фаҳми ва идрокидир.

● Отадан фарзандга энг хайрли мерос — одоб, гўзал ахлоқдир.

● Мол-дунёнинг энг хайрлиси — ҳалол меҳнат билан йиғилиб, эзгу ишларга сарф қилинганидир.

● Суқрот ҳаким айтади:

— Ҳикматнинг боши эзгу хулқдир. Кимки хушхулқ бўлса унинг тириклиги хушлик билан ўтади. Одамларнинг кўнгилларига унинг муҳаббати ўрнашади. Ҳар ким ёвуз хулқли бўлса маишати тор бўлади, душмани кўпаяди. Ҳамма ундан нафрат қилади.

● Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан:

— Инсоф нима? — деб сўрадилар.

— Инсоф одамнинг ўзига нимани раво кўрса бошқа кишига ҳам шуни раво кўришидир, — деб жавоб берди Бузуржмеҳр.

— Энг яхши одам ким?

— Ақлли одам.

— Қандай кишини ақлли одам деса бўлади?

— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

Байт:

Кимки хушхулқ доимо бўлғай омон,
Яхшилик қилса, сира этмас зиён.

● Инсоннинг ҳайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб, тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир. Инсон ақли, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадоридир.

Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир», деган. Ақл — раъйнинг ҳақиқий элчиси, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввал у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ёки зарарини ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунадиган тажрибакор маслаҳатини олиш тавсия этилади.

Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлай бермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида ҳар инсон учун ғолибият ва садоқат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.

Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққатига унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди. Соғлом ақлнинг аломатларидан бири ҳам замоннинг истаганига қараб иш олиб боришдир.

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтис ҳис... Бу ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.

● Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

*Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан*

# АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ — МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСИ

**Бу йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил топганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг юбилейини тантанали ўтказиш ҳамда республикада илм-фанни, унинг маркази ҳисобланмиш Фанлар академиясини янада ривожлантириш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Қарордан келиб чиқиб илм-фан соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва келгуси вазифалар ҳақида тўхтаб ўтиш лозимдир.**

Ҳозирги Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институти ҳам 1943 йилда академия таркибида бошқача номда республикада сақланаётган шарқ қўлёзмалари бўлими асосида таъсис этилгандир. Ўтган 60 йил ичида Академия тизимида, жумладан, шарқшунослик институти номи, миқёси, йўналиши, фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Лекин шарқ қўлёзмаларини сақлаш, кўпайтириш, ундан фойдаланишни мувофиқлаштириш, ўрганиш каби масалалар институтнинг асосий илмий-амалий йўналиши бўлиб қолди. Бу қўлёзмалар манбалар асосида Марказий Осиё, Ўзбекистон тарихи, мусулмон шарқи илми-фани ва маданиятини ўрганиш, турли илмий мавзуларнинг шаклланишига олиб келди. Бундан ташқари кўп йиллар давомида аҳолидан қўлёзмалар сотиб олиш, қўлёзмалар топиш учун экспедициялар уюштириш натижасида хазина бойиб борди. Бу қўлёзмалар фонди дунёдаги энг бой қўлёзмалар хазинасига айланди. Ҳозирда унда 28 минг жилдга жойлаштирилган 70 мингдан ортиқ қўлёзма, рисола, китоблар, 6 минг ҳужжат, мактуб, ёзишмалар сақланади. Бу фондда шарқнинг машҳур алломалари файласуф, математик, доришунос, табиб, тарихчилар, адиб, шоирларнинг кўп жилдлик асарлари, рисолаларининг араб, форсий, туркий нусхалари эҳтиёткорлик билан сақланиб келинади. Улар ичида ноёб, бошқа қўлёзма фондларида учрамайдиган нусхалари ҳам мавжуддир. Масалан, Абу Бакр Розий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мотуридий каби алломалар қўлёзмаларининг қадимий нусхалари шулар жумласидандир.

Бу қўлёзмалар асосида институт ходимлари ўз вақтида 11 томлик «Собрание восточных рукописей», Алишер Навоий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва бошқалар асарлари каталоглари, Абу Али ибн Синонинг 6 томлик «Тиб қонунлари», Абу Райҳон Берунийнинг 7 томлик танланган асарлари — «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Масъуд қонуни», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Сайдана» каби асарлари, Мусо Хоразмийнинг математика, Розийнинг кимё, Али Қушчи, Чағминийларнинг астрономияга оид рисолалари таржималарини нашр этдилар. Шунингдек Форобий, Наршахий, Байҳақий, Самъоний каби файласуф, тарихчиларнинг асарлари таржимада босиб чиқарилди. Бу ишлар институтни бошқа мамлакатлар шарқшуносларига танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу муҳим ишларни амалга оширишда институтнинг таниқли олимлари У.Каримов, С.Азимжонова, А.Муродов, А.Арендс, Г.Булгаков, М.Салье, С.Мирзаев, С.Саидов, Ш.Зуннунов кабиларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви гуманитар фанлар, жумладан шарқшунослик соҳасининг назарий масалалари ва йўналишларида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Миллий маънавият, миллий мафкуранинг асосий илдизларини вужудга келтирувчи миллий маданий мерос, миллий маънавият, қадриятларни ўрганиш кенгайди, чуқурлашди. Динга, исломга муносабат ўзгарди, ислом маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида, диний алломаларнинг асарлари ёзма маданий меросимизнинг муҳим таркиби сифатида ўз ўрнини эгаллай бошлади. Миллийлик ва умуминсонийлик ўзининг тўғри, реал талқинини топиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний», Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Фарғонийнинг «Астрономия асослари», «IX-XI асрларда кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг тутган ўрни» каби китоблар нашр этилди. Ўтмишдаги фан, маданият, давлат арбобларининг юбилейларини ўтказиш маънавиятимиз ривожи учун муҳим аҳамият касб этиши муносабати билан уларга бағишланган қатор рисола, китоблар тайёрлаш ва нашр этиш, уларнинг меросини ўрганиш кучайиб бормоқда ўрта осиёлик алломалар ҳақида зарурий ва изчил маълумотлар берувчи қатор рисола, тўплам, китоблар ўқувчиларга тақдим этилди. 3 китобдан иборат «Буюк сиймолар, алломалар», «Маънавият юлдузлари», шунингдек «Буюк истеъдод соҳиблари», «Светила духовности» китоблари нашрдан чиқди ва кенг ўқувчилар томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Умуман, давлат, илм-фан, маданият арбоблари, уларнинг мероси, фаолияти ҳақида, ўлкамизда маълум ва номаълум бўлган йирик истеъдод, талантлар ҳақида тадқиқот олиб бориш, улар ҳақида кенг оммага мўлжалланган нашрлар тайёрлаш институт илмий йўналишида муҳим ўрнини эгалламоқда. Ҳозирда ўрта осиёлик илм-фан, маданият арбоблари ҳақида чет эллик муаллифлар яратган тарихий манбалар устида ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилаётир.

Институтда юбилейлар муносабати билан диний илм ва алломалар Нақшбанд, Мотуридий, Марғиноний, Насафий кабиларга бағишланган рисолалар, тўпламлар тайёрланди.

Институтда исломшунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда тасаввуф масаласи муҳим ўрин тутади. Маълумки, тасаввуф ақидавий исломга нисбатан ҳаётга яқинлиги ва эркинлиги, унинг талабларини эътиборга олишга интилиши билан ҳам маънавият тарихида муҳим из қолдирган. Айниқса Марказий Осиёда юқори маданий муҳит таъсирида шаклланган Кубровия, Нақшбандия, Яссавия тасаввуф оқимлари бу жиҳатдан бошқа Шарқ мамлакатларига ҳам катта таъсир кўрсатган. Айниқса Ғиждувоний ва Нақшбанд таълимотлари асосида шаклланган Нақшбандия йўналиши ҳозирда ҳам айрим мусулмон мамлакатларида ўз таъсирини сақлаб келади. Институтда бу тасаввуф оқимларини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотлар чуқурлашиб бормоқда. Хусусан тасаввуф оқимлари Нақшбанд, Ғиждувоний, Чархий, Жомий, Махдуми Аъзам, Хўжа Аҳрор каби мутасаввуфлар ҳақидаги китоб, рисолалар, ёқланган диссертациялар фикримиз ифодасидир.

Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Урганч, Шош, Термиз, Марв каби шаҳарлари ўрта асрларда турли соҳаларда жуда кўп алломалар, олим, фозилларни етиштириб берган ва улар бугун Шарқ илм-фани, қолаверса жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг номлари мусулмон Шарқидагина эмас, Европа илми-маданиятига ҳам кириб борган, Европада Уйғониш маданиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Ренессанс-Уйғониш даври биринчи навбатда кескин маданий, илмий маънавий юксалишни ифодалаш билан бирга ўзининг инсонпарварлик ғоялари, юксак илм, тафаккур, ахлоққа интилишни тарғиб қилиши билан ажралиб турар экан, бундай жараён биринчи бор Шарқда вужудга келганини, Марказий Осиё IX-XII асрлар ва XIV-XV асрларда Уйғониш даври хусусиятларини ифодаловчи жараённи бошидан кечирганини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарурдир.

IX-XII асрлар Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мотуридий, Марғиноний, Юсуф Хос Ҳожиб даври бўлиб, мустақил давлатчилик билан боғлиқ ва илк Уйғониш даврини ташкил этади. Мўғуллар ҳужуми натижасида узилиб қолган бу давр XIV-XV асрларда Марказий Осиёда яна мустақил, катта, кучли Темур ва темурийлар давлатининг вужудга келиши билан маданий Уйғониш тикланди ва сўнгги даврини бошидан кечирди. Ҳозирда Шарқшунослик институтида шу Уйғониш давридаги маданият, илм-фан ривожи, улар вакилларининг фаолияти, меросини ўрганиш бўйича катта ишлар ва нашрлар амалга оширилмоқда.

Уйғониш даври маданий юксалиш хусусиятларини ўрганиш ҳозирги мустақилликка эришган Ўзбекистон маънавий тараққиётининг фалсафий-назарий томонларини тўғри англаш ва талқин этишда ундан фойдаланиш муҳим ижобий аҳамият касб этади.

Иқтисодий, маданий, дипломатик алоқаларимиз тарихини, ҳозирда Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан турли соҳалардаги муносабатларини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Япония, Германия, Эрон, Франция, АҚШ, Хитой каби мамлакатлар олимлари билан бирга бизнинг ходимлар институтдаги қўлёзмалар асосида каталоглар, тарихий ҳужжатлар, турли китоблар босиб чиқардилар. Олимларимизнинг асарлари форс, араб, инглиз, хитой, немис, француз тилларида нашр этилди.

«Каталог Хивинских казийских документов» (Киото, 2000 й.), «Краткий каталог суфийских произведений» (Берлин, 2000 й.), «Форс тилидаги қўлёзмалар каталоги» (Теҳрон, 2002 й.) «Араб тилидаги қўлёзмалар каталоги» (Дубай, 1998 й.), «Хожа Аҳрор ва унинг сафдошлари хатлари» (Нью-Йорк, 2002 й.) ва бошқа ишлар шулар жумласидандир.

Олимларимизнинг кўплаб чет мамлакатлардаги конференция, семинар, учрашувлардаги фаол иштироклари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳиндистон, АҚШ, Япония каби мамлакатлардан ёш олимлар келиб институтимизда илмий иш олиб боришмоқда.

Келгусидаги муҳим вазифаларимиз институт илмий мавзуларини ҳозирги замон талабларига янада мослаштириш, уни янги технология билан бойитиш, илмий ютуқларини кенг халқ оммаси орасида изчил тарғиб этиш, тадқиқотларни, ходимлар фаолиятини олий ўқув юртларида ўқитув ва таълим-тарбия жараёнига янада яқинлаштириш, чет эл марказлари билан илмий алоқаларни, жаҳон миқёсидаги фаолият шаклларини кучайтиришдан иборат.

**Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти директори, академик.**

*Тадбирлар*

# БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МАВЗУИДА

**Кишиларнинг кўнглига озор бермаслик, уларнинг оғирини енгил қилиш ёки бир лаҳзалик бўлса-да шодлик бахш эта олиш жамиятдаги энг инсонпарвар ғоялардандир. Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг «Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай» каби байтлари ушбу ғоя ифодасидир олий намунасидир.**

Куни кеча «Меҳр таянчи» болалар марказида Болалар Конвенцияси қабул қилинган кун муносабати билан қизиқарли тадбир бўлиб ўтди. Марказнинг кўнгилли ходими, Республика Болалар парламенти депутати Шаҳзода Абдураҳимова болалар билан «Болалар ҳуқуқлари» мавзуидаги қизиқарли давра суҳбатини олиб борди. Суҳбатда болаларнинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминланиш, яшаш ва соғлом ривожланиш, ўз қарашларини, фикрини эркин ифодалаш, виждон ва дин эркинлиги, оила ғамхўрлигидан маҳрум бўлганда давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш, гиёванд моддаларни ғайриқонуний равишда истеъмол қилиш, шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш шаклларидан ҳимоя қилиниш каби ҳуқуқлари ҳақида гапирилди. Марказ ходимлари ва марказда кўнгилли иш олиб борувчилар тадбирнинг қувноқ ва қизиқарли ўтиши учун болалар билан қисқа тренинглар уюштиришди. Бундай тадбирларнинг ўтказилишидан асосий мақсад, кўча-кўйда қаровсиз юрадиган болаларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва улардан фойдалана билиш йўлларини ўргатиш ва болалар ва вояга етмаган ўсмирларнинг келажакдаги орзу-умидларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Тадбирда қатнашган 20 дан ортиқ қаровсиз болалар ва «2-Чарх Камолон» маҳалласидан таклиф этилган кам таъминланган оила фарзандлари учун «Буни сен билишинг керак!» номли рус ва ўзбек тилларидаги буклетлар тарқатилди. Болалар тадбирда жуда фаол иштирок этишди.

Қизиқарли ва мунозарали суҳбатдан сўнг болалар учун ширинликлар тортилди.

**Соҳиба УМАРОВА**

*Футбол*

## РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЕТИШМАДИ

**Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди дейиш ўринли.**

Мутахассислару мухлислар фикрича, «ўлим гуруҳи»да Аргентина, Испания ва Мали терма жамоаларига қарши тўп суриш осон иш эмас. Аммо, ёшларимиз «В» гуруҳида номдор рақибларига қарши муносиб ўйин намойиш этишди. Мали ва Аргентина терма жамоаларига қарши кечган беллашувда ўйин тақдири аламли сўнгги дақиқаларда ҳал этилганлиги юқоридаги фикримизга яққол далилдир. Виктор Борисов шогирдларининг дуранг ёки ғалабани қўлдан чиқариб юборганликлари уларда руҳий тайёргарлик маромида бўлмаганлигидан дарак беради. Боз устига жаҳон чемпионатида биринчи бор иштирок этаётган ўзбекистонликлардан ҳозирча бундан-да юқори натижани кутиш ҳам бироз мантиққа тўғри келмас. Аввалги икки тур натижаларини мухлисларга ўз вақтида етказганимиз боис Испания терма жамоаси билан кечган сўнгги ўйин ҳақида маълумот беришни лозим топдик. Аввало ушбу учрашувга йигитларимиз жуда катта тайёргарлик кўришганини учрашув давомида пайқаш қийин эмас эди. Сабаби ҳужумкорлигу тезкорлик борасида, тўпни бир-бирига аниқ узатиш, майдонда тўп билан кўпроқ ҳаракат қилишда ҳамюртларимиз Европа чемпионлари бўлмиш испанлардан асло қолишмади. Рақиблар футболчиси Инвиста 15-дақиқада узоқ масофадан кутилмаганда Нестеров дарвозасига зарба йўллаб ҳисобни очганидан кейин ҳам ўзбекистонликлар ўзларини йўқотиб қўйишмади. Аксинча Гейнрих, Бикмаев ва бошқалар томонидан уюштирилган хавфли ҳужумлар испанларни саросимага солди. Аммо имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаслик натижасида ҳамюртларимиз рақиблари дарвозасини аниқ нишонга ола билишмади. Шуни таъкидлаш жоизки, гарчи ушбу шиддатли ўйинда 0:1 ҳисобида енгилган бўлсаларда Виктор Борисов шогирдлари барча мухлислару мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришди. Ушбу гуруҳдаги Аргентина-Мали терма жамоалари баҳси 3:1 ҳисобида Марадона ватандошлари ғалабаси билан якунланди. Ушбу гуруҳдан кейинги босқичда мусобақаларни Аргентина ва Испания терма жамоалари давом эттиришади.

Гуруҳлар баҳсларининг учинчи турида қуйидаги натижалар қайд этилди. БАА—Буркина—Фасо 0:0, Словакия — Панама 1:0, Бразилия— Австралия 2:3, Канада-Чехия 1:0, Колумбия — Англия 0:0, Миср - Япония 0:1, Саудия Арабистони — Кот де Ивуар 0:0, Ирландия — Мексика 2:0, Парагвай — Германия 2:0, АҚШ— Жанубий Корея 2:0.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари учун ушбу нуфузли турнир ҳақиқатан ҳам маҳорат мактаби бўлди. Йигитларимиз ўзбек футболида юксалиш палласи бошланганлигини жаҳондаги чарм тўп мухлису мутахассисларига маълум қилишди. Ўйлаймизки, кейинги халқаро турнирларда ёш футболчиларимиз ажойиб ғалабаларни қўлга киритишади ва миллионлаб ишқибозларини албатта хушнуд этишади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти жамоаси Ўзбекистонда фуқаро муҳофазаси тизимининг ташкилотчиларидан бири, уруш ва меҳнат фахрийси, захирадаги полковник

**Юсуф Бозорович БОЗОРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Касбини эъзозлаётганлар*

## ЎЗ ИШИНИНГ БИЛИМДОНИ

**Ҳаёт деб аталмиш бу кўҳна дунёда инсонлардан фақат эзгу ишлари, яхши амаллари ва солиҳ фарзандлар қолади. Кимдир ўзининг жонфидолиги, камтар-камсуқум, меҳнатсеварлиги билан иззат-ҳурматга эга бўлса, кимдир фақат одамларга яхшилик қилиши билан меҳр қозонади.**

Ана шундай заҳматкаш ва жонкуяр инсонлар қаторида «Ўзбектелефильм» студиясининг кинорежиссёри Нодир Қўлдошевнинг номини ҳам ҳурмат билан тилга олсак ярашади. Ўз ишининг билимдони бўлган Нодир Қўлдошев 1971 йилдан бери «Ўзбектелефильм» студиясида фаолият кўрсатиб келади. Ўтган йиллар мобайнида Нодир ака томонидан тасвирга олиниб, тарих зарварақларига муҳрланган кино тасмалар бугунги кунда олтин фондимиз захираларидан ўрин олган.



— 1959 йилда ўрта мактабни тугаллаб «Ўзбекфильм» студияси, лабораториясида илк фаолиятимни бошлаганман, — дейди биз билан суҳбатда кинорежиссёр Нодир Қўлдошев. — Санъатимиз дарғалари бўлган Эргаш Йўлдошев, Галия Измайлова, Ботир Зокиров, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним ва шулар қаторида буюк олиму шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ҳужжатли кино тасмаларнинг бугун қанчалик қадрли ва керак эканлигини сезиш касбимдан ҳамиша ғурурланиш, фахрланиш ҳиссини туғдиради.

1971 йилда Тошкент театр ва рассомлик институтининг режиссёрлик факультетини тугаллаб, «Ўзбектелефильм» студиясига ишга келганимдан бери турли мавзуларни ёритдим, қатор ҳужжатли фильмлар экран юзини кўрди. Лекин юртимиз мустақилликка юз тутгандан бошлаб шу юрт истиқболи учун меҳнат қилаётган инсонлар учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар, равон йўллар очилди. Ҳар жабҳада амалга оширилаётган бунёдкорлик юмушлари, осмонга бўй чўзаётган бинолар, ноёб обидалар, катта-катта спорт комплекслари кино тасмаларга муҳрланди. 1996 йилда илк бор гўзал пойтахтимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, бири-биридан кўркам биноларни ўзида жамлаган ярим соатлик «Тошкент бугун, кеча ва эртага» деб номланган ҳужжатли фильм дунёга келди. Уни кўрган ҳар бир кишининг Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли юмушлар, қисқа фурсатда эришилган ютуқлардан ҳайратда қолиши шубҳасиз. «Тошкент — мустақиллик йилларида» деб номланган ҳужжатли фильмдан эса Темурийлар тарихи Давлат музейи, ЖАР спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Юнусобод теннис корти, сув ҳавзалари, кўприкларнинг бунёдга келиши ва ҳозирги кунда минглаб ёшларимизга хизмат қилаётгани ҳақидаги лавҳалар ўрин олган.

Айни кунларда яратилаётган кино тасмаларида «Ўзбекистон — мустақиллик йилларида» номли фильмда Республикамизда кечаётган янгилик ва ўзгаришлар қамраб олинган. «Келажакнинг ёруғ йўли» деб номланган ҳужжатли фильмда эса олтин қўлли қурувчиларимизнинг оғир, заҳматли меҳнати, жонкуярлик билан адо этилаётган юмушлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳар бир олаётган кино тасмаларим эртанги кунимизнинг порлоқ истиқболи бўлган ёшларимиз учун сабоқ бўлсин дейман. Мустақилликнинг илк кунларида, йилларида қанчалик фидокорлик билан иш олиб борилгани, озод ва обод, тинч-осуда Ватанда яшаш, уни кўзқорачиғидек сақлаш учун нималар қилинганини кўриб ўзлари ҳам ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб вояга етсинлар, деб ният қиламан.

Нодир Қўлдошев билан суҳбатлаша туриб, бу инсоннинг ўз касбини қанчалик севиши, ундан фахрланишини сезиш қийин бўлмади. Шу аснода суҳбатимизга у кишининг ҳамкори, ҳаммаслаги, яқин дўсти, «Ўзбектелефильм» студиясининг оператори Ботир Гадойбоев келиб қўшилди.

— Нодир билан 38 йилдан бери бирга ишлаб келаман, — дейди Ботир ака. — Ўтган йиллар мобайнида кўплаб фильмларни биргаликда суратга туширдик. «Ўзбекфильм» студиясида иш бошлаганимизда ҳамиша бирга ишлашга аҳд қилган эдик. Мана аҳдимизга содиқ қолиб, умр йўлларини бирга босиб ўтдик. Нодир ака камтар, камсуқум, меҳнаткашлиги, дўстга содиқлиги, иззат-ҳурмат кўрсата олиши билан меҳримни қозонган.

Ҳа, ҳалол меҳнат инсонга бахт, обрў-эътибор келтиради, деб бежиз айтилмаган. Ўз касбининг устаси ва заҳматкаши бўлган кинорежиссёр Нодир Қўлдошевнинг камтарона меҳнатлари қадрланиб 2000 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди.

— Юксак мукофотдан руҳланиб янги-янги режаларга қўл урдик, — дейди ҳамсуҳбатимиз. — Келгусида пойтахтимизда қад ростлайдиган кўприкларнинг бунёдга келиши жараёнини кино тасмаларига муҳрлаш ниятимиз бор.

Оилада бахт топиб, меҳрибон рафиқа, икки ўғил, икки набирага бош бўлган, жамоада обрў-эътиборга эга Нодир Қўлдошев каби инсонлар ҳамиша соғ-омон бўлиб, элу юрт хизматидан асло чарчамасликларига тилак билдириб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Нодир Қўлдошев оператор Ботир Гадойбоев билан.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.**

1. "Заз-968" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;

2. "Фольксваген" автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 08-45, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;

3. "Газ-2417" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 99-62 ТНА, бошланғич нархи 317 500 сўм, техник носоз;

4. "Иж-21251" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70-20 ТНБ, бошланғич нархи 221 500 сўм, техник носоз;

5. "Мерседес-Бенц"МЛ320 автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ.

6. "Москвич-412" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;

7. "Москвич-412" автомобили, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 О 15-32, бошланғич нархи 50 000 сўм, техник носоз;

8. "Иж-21251" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25-08 ТНС, бошланғич нархи 501 000 сўм, техник носоз;

9. "Иж-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 806, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;

10. "Ваз-2103" автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 А 58-32, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;

11. "Сиело" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15-37 ТНД, бошланғич нархи 850 000 сўм, техник носоз;

12. "Дамас" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Х 59-95, бошланғич нархи 3 200 000 сўм, техник соз;

13. "УАЗ-452В" автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-58 ТНМ, бошланғич нархи 95 000 сўм, техник носоз;

14. "Газ-3307" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;

15. "Газ-53" юк автомобили, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 634, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;

16. "Зил-157" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;

17. "Паз-672" автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG049, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;

18. "Газ-5201" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 63-24 ТНМ, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;

19. "Лаз-699" автобуси, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-48 ТНС, бошланғич нархи 830 000 сўм, техник носоз;

20. "Лаз-695Н" автобуси, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 09-96 ТНН, бошланғич нархи 410 000 сўм, техник носоз;

21. "Лаз-695Н" автобуси, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 24-01 ТНП, бошланғич нархи 545 000 сўм, техник носоз;

22. "Маз-54323" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АД 212, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;

23. "Камаз-5410" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 09-78 ТНБ, бошланғич нархи 1 100 000 сўм, техник носоз;

24. "Зил-130" юк автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 976, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;

25. "Зил-555" юк автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 634, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;

26. "Зил-ММЗ-45021" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АД 908, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;

**Кимошди савдоси 2003 йил 11 ва 13 декабрда соат 10-00 да ўтказилади.**

**Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3557 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-107. 1 3 4 5 6